



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 120 (12.181)

Баҳоси эркин нарҳда

Мамлакатимизда халқ амалий санъатини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор ҳунармандлар фаолиятини кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг 1997 йил 31 мартда қабул қилинган «Халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим омил бўлмоқда.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Фармон ва ижро

ҲУНАРМАНДЛАР СУЛОЛАСИ

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча жабҳаларида, шунингдек, амалий санъат соҳасида инновацион ғоялар ва ташаббуслар соҳибларини аниқлаш ҳамда рағбатлантириш мақсадида халқ ҳунармандларининг Республика «Ҳунарманд» уюшмаси фаолият кўрсатмоқда, ҳар йили «Ташаббус» кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда.

Ўзбек халқ ҳунармандчилигининг қадимий бой аъёналарига таянган ҳолда, миллий амалий санъатимизнинг янги намуналари яратилмоқда, уни тақомиллаштириш учун қўшимча имкониятлар яратилмоқда, замонавий амалий санъатнинг янги тарихини яратадиган ҳунармандлар фаолияти кенгаймоқда.

Йўлдош Азларов — шундай моҳир усталардан. У 1963 йилда Тошкентда туғилган. Йўлдош ака — ҳунармандлар сулоласининг вакили, ёғочга ўйма нақш солиш устаси.

— Отам устхонада ишлаган пайтида ёрдам беришга ҳаракат қилардим, — дейди Й.Азларов. — Армиядан хизматни ўтаб қайтганимдан кейин акам, ёғочга ўйма нақш солиш устаси Акмал Азларов раҳбарлигида ҳунармандчилик сирларини ўргандим. Акам ҳам, отам сингари менинг биринчи устозимдир. Ҳозир акам билан яқин ҳамкорликда иш юритяпмиз.

Куч-ғайрат ва ижодий ғояларга бой Йўлдош Азларов 1992 йил «Устазода» бирлашмасига ёғоч ўймакори бўлиб ишга кирди. 1998 йилда Республика «Ҳунарманд» уюшмасига аъзо бўлди.

— Пойтахтимизда ташриф буяраётган қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган кенг қўламли ишлорлар пойтахтимиздаги замонавий биноларга сайқал бериш билан боғлиқ ишларимизга юксак баҳо бераётганини кўриб, шундай муҳим

ва хайрли иш билан шуғулланаётганимдан фахрланаман, — дейди Й.Азларов. — Ҳунарманд усталар доимо ижодий изланишда бўлади, ўзининг янги ғояларини юзага чиқариб, маҳоратини ошириб бормоқда. Фарзандларим ҳам ўзим каби ушбу касб сирларини эгаллашга интилаётгани мени ғоят қувонтиради.

Ҳунармандчиликда Й.Азларов катта муваффақиятларни қўлга киритмоқда. Унинг «Ташаббус-2011» кўрик-танловининг республика босқичида иккинчи ўринни эгаллагани шулар жумласидан.

Устанинг таъкидлашича, бундай юксак натижаларга давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда санъатнинг барча йўналишларини ривожлантириш бўйича яратилган шарт-шароитлар ва имкониятлар туфайли эришмоқда. Ушбу муваффақият ва ютуқларнинг барчаси мамлакатимизда миллий санъатимизнинг энг яхши аъёналарини асраб-авайлаш, шунингдек, оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлорлар самараларидандир.

Отабек МИРСОАТОВ
(ЎЗА) олган сурат

Таълим

АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ФАОЛ ҚЎЛЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасида ушбу мавзуга бағишланган навбатдаги йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг ижросига доир ахбороти тингланди.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ахборот-коммуникация технологияларини ҳаётимизнинг барча жабҳалари, жумладан, таълим жараёнига кенг татбиқ этишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонунда белгиланган асосий вазифалардан биридир. Зеро, замонавий ахборот технологияларини самарали қўллаш ўқувчиларга билим бериш сифатини ошириш ва унинг мазмун-моҳиятини тақомиллаштириш, таълимни замонавий талаблар даражасида ташкил этиш, умумтаълим фанлари ҳамда касб-ҳунар йўналишлари бўйича ахборотни бойитиш ва янгиллашда муҳим ўрин тутди.

Тадбирда халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Б.Дониёров бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар хусусида гапирди. Ахборотлаштириш дастурларига мувофиқ, ўқув муассасаларини компьютер техникаси билан жиҳозлаш, уларни интернет ҳамда «ZiyoNet» таълим тармоғига улаш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

Масалан, ўтган йилнинг ўзида мамлакатимиздаги 2154 умумтаълим мактаби, 376 коллеж ва лицей, 280 ахборот-

ресурс маркази замонавий компьютер синфлари билан таъминланди ҳамда мультимедиа технологиялари билан жиҳозланди. Таълим муассасаларини оптик-тонали алоқа линиялари асосида юқори тезлик билан ишлайдиган ягона корпоратив тармоқда бирлаштирадиган Миллий электрон таълим тармоғини яратиш лойиҳаси амалга оширилди. Шунингдек, ўқитувчиларнинг компьютер саводхонлигини мустаҳкамлаш ишлари давом этмоқда, педагог кадрлар маънавияти софасида туриб олиш тизими ташкил қилинди.

Жадаллик билан янги электрон таълим ресурслари яратилмоқда ва мавжудлари янгиланмоқда. Мисол учун, фанлар бўйича ўзбек ва рус тилларида замонавий ўқув материалларидан фойдаланиш имконини берадиган eDurotal.uz ахборот-таълим портали ташкил этилди. Биргина 2011 йилда «ZiyoNet» таълим тармоғида 200 дан ортиқ ўқув қўлланма ва дастурлар, шунингдек, 1870 ахборот-таълим ресурслари жойлаштирилди.

(ЎЗА)

«ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХАН ҚИСҚА МУДДАТ МОБАЙНИДА ҲАЙРАТЛАНАРЛИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШГАН МУВАФФАҚИЯТЛИ ДАВЛАТДИР»

Ўзбекистон Республикасининг Вашингтондаги элчихонасида мамлакатимизда «Мустақам оила йили» Давлат дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши мавзусига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Унда Америка Қўшма Штатлари сиёсий, ишбилармон ва эксперт-таҳлил доираларининг вакиллари иштирок этдилар.

Тадбир чоғида унинг катнашчилари Ўзбекистон ҳукумати томонидан жамият асоси бўлмиш оила институтини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, оилалар, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий муҳофазасини кучайтириш, баркамол авлодни тарбиялаш ҳамда маҳалла институтининг соғлом оила шаклланишидаги ролини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги батафсил маълумотларга эга бўлдilar.

Юртимизда 2012 йилнинг «Мустақам оила йили», деб эълон қилиниши республикамиз ҳукумати томонидан олиб борилаётган изчил ижтимоий сиёсатнинг манфиди давоми бўлиб, мазкур сиёсатда мамлакат барқарор тараққиётини таъминлашнинг муҳим омил бўлиши оиланинг ҳимояси марказий ўринни эгаллайди. Тошкент шаҳрида ижтимоий соҳанинг энг муҳим йўналишлари - таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларининг тараққиёти масалалари муҳофиза қилинган нуфузли халқаро анжуманларнинг ўтказилгани бу фикрнинг тасдиғи бўла олади.

Брифинг чоғида қайд этилганидек, хорижий мамлакатларнинг бу борадаги тажрибасини ўрганиш Ўзбекистон халқаро ҳамкорлигининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё ишлари бўйича ёрдамчиси Р.Блейк АҚШ минтақадаги асосий шерик бўлган Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантиришга муҳим аҳамият қаратишини таъкидлади. «Мамлакатларимиз ўртасида навбат билан Тошкент ва Вашингтонда сиёсий маслаҳатлашувларни ўтказиш орқали икки томонлама ҳамкорлигининг мониторингини амалга оширилмоқда. Сиёсий маслаҳатлашувларни йирик Америка компаниялари иштирок этадиган бизнес-анжуманлар билан биргаликда ўтказишдек ижобий амалиёт ҳам кузатилаётди. Ҳозирги пайтда Америка — Ўзбекистон савдо палатаси билан ҳамкорликда Тошкентда худди ана шундай бизнес-анжумани ташкил этиш бўйича фаол ишлар олиб боришмоқда», деди у.

Р.Блейк муштарак манфаатлар ва катта салоҳият Американи — Ўзбекистон муносабатларининг янада кенгайишига қўмаклашадиган, дея умид билдирди.

Ж.Вашингтон университетининг профессори Р.Бейкер фикр билдирганидек, «Ўзбекистон минтақадаги тарихан қисқа муддат мобайнида ҳайратланарли натижаларга эришган муваффақиятли давлатдир». Р.Бейкернинг сўзларига қараганда, эришилган иқтисодий ўсиш ва республикамиз молия тизимининг мустаҳкамланиши алоҳида эътиборга моликдир.

Шунингдек, профессор Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш ва ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш масалаларига қаратилаётган эътиборни юқори баҳолади. «Ўзбекистон таълим-тарбиянинг юқори даражаси билан ажралиб туради, бу эса давлатнинг муваффақиятли тараққиёти гарови ҳисобланади», деди у.

«Боинг» компаниясининг халқаро алоқалар ва сиёсат бўйича директори Б.Лопп Ўзбекистондаги иқтисодий ишлорлар берган ижобий натижаларга эътибор қаратар экан, инфратузилмаларни, энг аввало, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш юзасидан қўрилатган чора-тадбирлар жиҳатидан республикамиз минтақа мамлакатлари орасида ажралиб туришини қайд этди. «Ўзбекистонда юқори тезликда ҳаракатланадиган темир йўл алоқасини ривожлантириш бўйича қўрилатган чора-тадбирлар ҳам алоҳида эътиборга сазоворки, бу соҳада Ўзбекистон дунёнинг қўлгина мамлакатларини ортда қолдирмоқда», дея баёнот кутди Б.Лопп.

АҚШ Конгресси Ҳуқуқшунослик бўлибисори директорининг ўринбосари Р.Ньюлен Америка жамоатчилиги Ўзбекистоннинг замонавий тараққиётига бағишланган бу каби муҳим тадбирларда иштирок этишга қизиқиш билдиришини маълум қилди.

«Ўзбекистонда ҳар бир йил алоҳида ижтимоий йўналишга бағишланиши аъёниси, яъни жамият турли соҳаларининг аниқ мақсад йўлида қўллаб-қувватланиши ўзининг ижобий натижаларини бермоқда», деди Р.Ньюлен.

У Ўзбекистонда оила институти аъёналарининг ўзига хослигини, оила мустаҳкамлиги мамлакат фаровонлигида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Р.Ньюлен Ўзбекистонда бўлганида у икки халқнинг оила аъёналаридаги фарқларни кузатганини айтди. Шу боис у соғлом оила ва кучли ўзини-ўзи бошқариш институтлари Ўзбекистон жамиятининг мустаҳкамланишига қўмаклашишига амин эканлигини маълум қилди.

«Жаҳон» АА,
Вашингтон



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Республикамиз пиллачилари томонидан бугунги кунга қадар 25 минг тоннадан зиёд «кумуш тола» тайёрланиб, бу борадаги йиллик шартнома мажбурияти бажарилди. Етиштирилган ҳосилнинг асосий қисми юқори навларга қабул қилингани, айниқса, қувонарлидир. Хирмонга жорий мавсумда пешқадам бўлган Сурхондарё, Самарқанд, Бухоро, Жиззах, Тошкент, Қашқадарё ва Фарғона вилоятларининг пиллачилари, айниқса, муносиб ҳисса қўшдилар.

• Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ташаббуси билан Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалида вилоятдаги соҳага ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда агентлик тизимидаги 10 дан ортиқ корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан 100 га яқин иш ўринлари таклиф этилди. Шунингдек, тадбирда агентлик тасарруфидидаги муассасалар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар намойиш қилинди. Битирувчилар таълим масканида яратилган шарт-шароитлар билан ҳам яқиндан танишдилар. Яқунда 60 нафардан зиёд ёшларга соҳа корхоналарида ишлаш учун йўлланмалар берилди.

• Пскентдаги «Фарход» ҳусусий корхонаси иш бошлаши билан 12 нафар кишлоқ ёшлари ҳам ҳунарли, ҳам ишли бўлди. Гап шундаки, ҳозир бу ерда маҳаллий хом ашё асосида чинни ва сопол буюмлар тайёрлаш ўзлаштирилди. Корхона банкнинг молиявий кўмаги ҳамда ўз маблагга ҳисобидан чиннисозлик ва кулоллик ускуналари билан тўлиқ жиҳозланди. Жамоа аъзолари йил давомида буюртмачиларга 125 минг дона ўй-рўзгор буюмлари етказиб беришни ният қилишган. Эътиборлиси шундаки, охириги бир йил ичида туманда 10 миллиард сўмлик инвестициялар ўзлаштирилиши эъзига саноат, кишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳалари бўйича 83 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди.

ЖАҲОНДА

• Европалик астрономлар Чилининг Атакама саҳросида дунёдаги энг катта телескопни барпо этиш бўйича лойиҳа тайёрладилар. Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун камида бир миллиард евро миқдорда маблаг сарфланиши кутилмоқда. Соҳа мутахассисларининг сўзларига кўра, мазкур телескоп фазонинг аниқланмаган сирларини тадқиқ этиш, узок масофадаги сайёралар ва «қора туйнуқлар»ни ўрганиш, галактикаларнинг пайдо бўлиш тарихини янада яхшироқ аниқлаш имконини беради. Ушбу технология асосий кўзгусининг диаметри 42 метр.

• «Nokia» компанияси 2013 йилга бориб яна ўн минг ходимини ишдан бўшатишга бир неча мамлакатдаги филиаллари ишини ёпишга қарор қилди. Экспертларнинг фикрича, бу ҳолат молиявий инқироз туфайли компания маҳсулотларига талаб кескин пасайиб кетгани билан боғлиқ. Мобил телефон ишлаб чиқариш бўйича дунёда биринчи ўринда турувчи мазкур компания 2012 йилнинг биринчи чорағида 929 миллион евро миқдорда зарар кўрган. Компания вакиллари сўзларига кўра, айни пайтда «Nokia»нинг бутун дунёдаги жами ходимлари сони 50 минг нафардан ортади.

• Буюк Британиянинг нефть-газ савдоси билан шуғулланувчи компанияларидан бири — «Beyond petroleum» мутахассисларининг айтишича, Венесуэла нефть захираларининг кўпчилиги бўйича Саудия Арабистонидан ҳам ўтиб кетди ва бу борада етакчи мамлакатга айланди. Маълумотларга кўра, 2011 йилнинг охирида Венесуэладаги нефть захиралари дунёдаги жами захираларнинг ўн саккизи фоизини — 296,5 миллиард баррелни ташкил қилган. Саудия Арабистонида эса бу кўрсаткич 265,4 миллиард баррелни (дунё захираларининг 16 фоизи) ташкил этди. 2019 йилга бориб Венесуэлада кунига олти миллион баррель нефть қазиб олиниши тахмин қилинмоқда.

ҚИСҚА САТРАПДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларининг хабарларидан.

✓ **БУГУН** Маънавият тарғибот маркази Юнусобод туман бўлими томонидан «Обод» маҳалла гузаридан Тошкент Давлат Ислам университети тарғибот гуруҳи иштирокида

«Дин ва маънавият» мавзусида дарах сужати ташкил этилди.

✓ **БУГУН** «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгашида «Бунёдкор» ёшлар телеклуби ташкил топганлигининг 10 йиллиги ҳамда матбуотда ОАВ ҳодимлари кун муносабати билан

матбуот анжумани ўтказилди.

✓ **ЭРТАГА** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйи ташаббуси билан Бўстонлик туманида жойлашган «Алоқачи» болалар соғломлаштириш оромгоҳида «Куйла, ёшлигим» номли адабий кеча ва концерт дастури бўлиб ўтади.

✓ **ЭРТАГА** Миллий матбуот марказида ўтказиладиган матбуот анжумани «Мустақил босма ОАВларини қўллаб-қувватлаш борасида белгиланган чора-тадбирлар ва уларни янада ривожлантиришнинг устувор вазифалари» мавзусига бағишланади.

Ишлаб чиқаришнинг технология даражаси ва рақобатбардошлигини ошириш, ички бозорда импорт қилинадиган маҳсулотларни ўзимизда тайёрланадиганлари билан алмаштириш, экспортга йўналтирилган иқтисодий тузилмасини шакллантириш мақсадида мамлакатимизда инновацион ғоялар, технологиялар ҳамда лойиҳаларга катта аҳамият қаратиб келинмоқда.

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси томонидан «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш ва устувор вазифалар» мавзусида бўлиб ўтган матбуот анжумани айнан шу масалаларга бағишланди. Ушбу тадбирда етакчи илмий ташкилотлар раҳбарлари, олимлар, ёш тадқиқотчилар, шу билан бирга ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган илк даврда, яъни 1992 йилда Президентимизнинг «Илм-фанни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва инновацион фаолиятни ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони ва унга мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори қабул қилинди. Мазкур фармон ва қарор ижросини таъминлаш мақсадида илмий-техник салоҳиятни мустаҳкамлаш, илмий тадқиқотларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг йирик муаммоларини ҳал қилишга йўналтириш ва мамлакатда инновация фаолиятини фаллаштираш масалаларига муҳим аҳамият қаратилди. Бундан ташқари Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш бора-сидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ хўжалик органларининг модернизациялаш ва янги технология фондлари яратилиб, бу юқори технологик ишланмалар соҳасини ҳамда ишлаб чиқаришни молиялаштиришга имкон яратди.

Сўнгги йилларда инновация фаолиятини ривожлантириш соҳасида Фанлар академияси томонидан салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Анжуманда йиғил-

ганларга 2011 йилда ЎзР ФА инновацион лойиҳаларини амалга оширишдан тушган нобуджет маблағлар миқдори 15,5 млрд. сўмдан ортиқроқни ташкил этиб, 2010 йилга нисбатан 20 фоизга ошгани, шу жумладан ҳамкорликдаги халқаро илмий лойиҳалар бўйича 3,92 млн. АҚШ доллари ҳажмида инвестициялар жалб қилин-

Анжуманлар

ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ТАТБИҚ ЭТИЛМОҚДА

гани ва бошқа қўллаб маълумотлар тақдим этилди.

Маълумотларга кўра, 2012 йилда инновацион дастур ва лойиҳалар сони 2009-2010 йилларга нисбатан сезиларли даражада ошган, бунда инновацион ишланмалар йириклашиб, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш ҳажми эса 3 мартадан ортиган ва илмий тадқиқотларни давлат бюджетдан молиялаштириш ҳажмининг 15 фоиздан ошганини ташкил этган. Жорий йилда эса ЎзР ФА илмий муассасалари томонидан 71та инновацион лойиҳалар бажарилмоқда, 2011 йилда эса бу кўрсаткич 43тани намояндалар.

Инновацион фаолиятнинг асоси албатта илмий салоҳиятдир, республикада ҳозирда олиб борилаётган илмий дастурларда Фанлар академияси, олий таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа вазирилари ҳамда идораларнинг икки юздан ортиқ илмий

ташкilotлари ва университетлар иштирок этиб келмоқда.

Уларнинг натижалари иқтисодий тармоқларда жорий этилиш бўйича ишлар олиб боришмоқда. Шулардан бири илмий-техника давлат дастури доирасида инновация илмий-техника дастурларини шакллантиришдир. Дастурларни шакллантиришда энг асосий вазифа ва мақсад — иқтисодий корхоналарининг эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган ишланмаларни қўллаб-қувватлаш ҳисобланади. Инновацияларни жорий қилишда асосий механизмлардан яна бири Президентимиз ташаббуси билан ҳар йили ўтказиладиган «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар» ярмаркасида. Республика ярмаркаси фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини мустаҳкамловчи самарали механизм сифатида хизмат қилмоқда.

Ярмаркалар давомида илмий муассасалар ва ишлаб чиқариш ташкилотлари ўртасида қўллаб-қўллаб йирик шартномалар имзоланди. Мисол тариқасида 2012 йили ўтказилган ярмарка доирасида 11,3 млрд. сўмлик 306 та шартнома имзоланганини айтиб ўтиш мумкин. Фанлар академияси илмий муассасаларининг «Ўзбекнефтгаз» МХК, «Ўзкимёсаноат» ДАК, «Ўзфармсанок» ДАК, «Ўзбекэнерго» ДАК, «Ўзбекқўмир» АК, Навоий ҳамда Олмалиқ кон-металлургия комбинатлари ва бошқалар билан инновация соҳасидаги мустаҳкам алоқалари фан, ишлаб чиқаришнинг муваффақиятли интеграциясига мисол бўла олади.

Тадбир давомида 2012 йилнинг биринчи чорагида ФА муассасалари томонидан 4,23 млрд. нобуджет маблағлар жалб қилинган, бу кўрсаткич 2011 йилнинг шу даврига нисбатан 112,0 фоизга етгани, мазкур даромаднинг асосий қисмини илмий ҳажмдор маҳсулотларни сотиш ва экспортдан келиб тушган маблағлар, хўжалик шартномалари асосида бажарилган ишлар ҳамда қўрсатилган хизматлардан тушган маблағларни ташкил этгани таъкидланди.

Тадбир давомида журналистларни қизиқтирган саволларга академия вакиллари томонидан жавоблар берилди.

Зиёда РАСУЛОВА

Ватан ҳимоячиларини турли касбларга тайёрлаш, уларни мард, ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаш борасида жойларда фаолият кўрсатаётган «Ватанпарвар» ташкилотлари кенг қўламдаги ишларни амалга оширмоқда.

Ёшлар — келажакимиз

ВАТАН ҲИМОЯСИ — МУҚАДДАС БУРЧ

Буни яхши ҳис этган Ҳамза туман мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти томонидан ёшларни нафақат касбга йўналтириш бўйича, балки уларни она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Бу борада қабул қилинган фармойиш ва қарорларнинг ижросини таъминлаш ҳамда ўсиб келаётган авлодининг она Ватанга содиқ фарзанд ва баркамол инсон бўлиб тарбияланиши учун барча имкониятларни ишга солишмоқдамиз, — дейди биз билан суҳбатда Ҳамза туман мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг «HAMZA O'QUV STK» HTM директори Отабек Омонов. — Хусусан, юртимизда баҳор фасли бошланиши биланоқ ёшлар ўртасида турли хил спорт мусобақаларини ташкил этиш оdatий тусга айланган. Жумладан, жорий йилнинг 23-24 март кунлари туман «Ватанпарвар» ташкилоти аъзолари «Хадра» спорт базасида ўтказилган Тошкент шаҳар биринчилигида муваффақиятли иштирок этишиб ғолиблар сафидан ўрин олишди. Шунингдек, ёшларимиз автоспортнинг картинг тури бўйича ўтказилган уч босқичли Тошкент шаҳар биринчилиги мусобақаларида ҳам совринли ўринларни эгаллашди. Мазкур спорт тури бўйича Ўзбекистон биринчилиги учун Янгиер шаҳрида ўтказилган мусобақада ҳам муассасамиз спортчилари биринчи ўринни эгаллаб қайтишди.

— Қайд этиш зарурки, Ҳамза туман мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг «HAMZA O'QUV STK» муассасаси биргина юқоридаги ишлар билан чеклиниб қолганига йўқ, Туман Маънавият ва маърифат маркази ва мудофаа ишлари бўлими билан ҳамкорликда доимий равишда ёшларни она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида «Ватан ҳимояси — олий бурч» мавзусидаги давра суҳбатлари ташкил этиб боришмоқда. Мутахассислар томонидан ёшларни қизиқтирган саволларга атрафчила жавоб берилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ўсиб келаётган авлодининг маънан баркамол этиб тарбияланишига ва турли хил ноқўл таъсирлардан холи тарзда ўсишларига хизмат қилмоқда.

Ҳамза туман «Ватанпарвар» ташкилоти томонидан амалга оширилаётган ишларнинг барчаси ёшларнинг эртанги ҳаётларида мустаҳкам ва собит қадам ташлашлари пухта замин яратди.

Дилшод ИСРОИЛОВ

АВТОБУСЛАРДА ЗАМОНАВИЙ GPS ТИЗИМИ

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигида соҳада татбиқ этилаётган GPS тизимига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда агентликнинг етакчи мутахассислари, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан автотранспортда йўловчи ташиш хизматини амалга оширишда йўл ҳаракати ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорти ҳодисалари қурбонлари сонини камайтириш, ташувчилар томонидан хавфсизлик талабларига амал қилинишини назорат қилишни самарали ташкил этиш йўли сифатида ахборот-коммуникация технологияларининг замонавий ютуқлардан бири бўлган GPS тизими жорий этилмоқда.

GPS тизимини жорий этиш учун агентлик мутахассислари томонидан пухта тайёргарлик кўрилди. Халқаро тажрибалар ўрганилди. Жумладан, Россия, Руминия, Туркия ва Корея мамлакатларининг тажрибалари ўрганиб чиқилди. Ушбу мамлакатларда фойдаланилаётган GPS тизимининг дастурий маҳсулотлари ва техникалари мамлакатимиз шароитида ва агентлик томонидан режалаштирилган мақсадларда ишлатиб кўриш учун олиб келинди. Тест тариқасида шаҳарлар ва шаҳар атрофи йўналишларида фаолият кўрсатаётган автобусларда синовдан ўтказилди. Тизимнинг ишлаш жараёнида эса маҳаллий шарт-шароит ва қўзланган мақсадлардан келиб чиққан ҳолда маҳсулот эгалари билан бир-

«Ўзэкспомарказ»да шу мавзуда Марказий Осиё кўргазмаси ва конференцияси бўлиб ўтди. Тадбирларда мамлакатимиз корхона ва ташкилотлари, шунингдек, ўттиздан зиёд давлатнинг қирқдан ортиқ компания ҳамда фирмалари вакиллари иштирок этди. Кўргазма ва конференция Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Савдо-саноат палатаси ҳамда «Муқобил ёқилги ва энергия турлари корхоналари» ассоциацияси томонидан ташкил этилди.

Айни пайтда мамлакатимизда автомобилларнинг 15 фоизи метан газидан ишлаганига ўтказилгани, 210 газ ёқилгисини қўйиш шохбаси фаолият кўрсатаётгани ушбу йўналишда самарали ишлар амалга оширилаётганидан далолатдир. Бундан ташқари, ушбу экологик тоза ёқилгида юраётган автобусларга 350 катта ва кичик сервис шохбаси хизмат кўрсатмоқда. Ўзбекистон ҳудудидан ўтаётган магистрал йўлларда метан газини қўйиш шохбаси қўриш бўйича аниқ режа ишлаб чиқилди. Бундай шох-

ТАБИЙ ГАЗДА ЮРАДИГАН АВТОМОБИЛЛАР

хобчалар йўлларнинг ҳар 40 километр оралиғида барпо этилади.

— Ўзбекистон Экологик ҳаракати Савдо-саноат палатаси ва «Gazatir-Pro» компанияси билан ҳамкорликда автомашиналар ва қишлоқ хўжалик техникаларини газ-дизель ёқилгисига ўтказиш бўйича йирик лойиҳани амалга оширмоқда, — дейди Ўзбекистон Экологик ҳаракати марказий кенгаши ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари С.Сангинов. — Лойиҳа доирасида Самарқанд автомобил заводида ҳам шундай тадбирлар амалга оширилди. Айни пайтда Фарғона вилоятида «Магнум» русумли 24 трактор замонавий технология асосида ишлаганига ўтказилди.

Мамлакатимизда илк бор ташкил этилган мазкур кўргазма ва конференция Марказий Осиё, қучночи Ўзбекистон, Осиё ва Европа давлатларининг ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштиришга хизмат қилади. Кўргазманинг ақсарият иштирокчилари — «Хебес абсорбция» (Канада),

«Bukit Sedap pte» (Сингапур), «PT citra Nusantara gemilang» (Индонезия), «MTM-BRC» (Италия) каби қўллаб-қўллаб йирик компания, фирма ҳамда корхоналар вакиллари шундай фикр билдирдилар.

Газ-мотор ускуналарининг кўргазмага қўйилган намуналари орасида ушбу соҳада 1958 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган Италиянинг жаҳонга машҳур «Lovato gas» корхонаси стенди диққатга сазовордир. Компания вакили Николла Ваззолеранинг фикрича, Ўзбекистон иқтисодиётининг ушбу тармоғини ривожлантиришда улкан имкониятларга эга бўлиб, буни мазкур тадбир ҳам тасдиқлайди. Зотан, ушбу тадбирда ишти-

рок этишдан қўллаб-қўллаб компаниялар манфаатдордир.

Кўргазмада мамлакатимиз компаниялари, жумладан, «Муқобил ёқилги ва энергия турлари корхоналари» ассоциацияси таркибига кирувчи «Smart Gas» корхонаси ҳам қатнашди.

— 2004 йилдан буён автобуслар учун газ-баллон ускуналарини ўрнатиш, монтаж қилиш ва соғлаш бўйича хизмат кўрсатиб келишмоқдамиз, — дейди ЎзА муҳбирига корхона раҳбари Фазлиддин Тошкентбоев. — Шу кунгача мутахассисларимиз мамлакатимиз бўйича уч мингдан ортиқ автобусларга шундай ускуналарни ўрнатди. Кўргазмада иштирок этиш бизга янги хорижий ҳамкорларни топиш имконини беради. Бу ерда намойиш этилган янги илмий-техника ишланмалари бизда қизиқий уйғотди ва келажакда уларни ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни режалаштирмоқдамиз.

Сардор ТОЖИЕВ

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Стоматология факультети

Ўзининг кўп йиллик тарихига эга. Мана ўн йилдирки, Тошкент Тиббиёт академияси ташкил этилиши муносабати билан бу факультет академия таркибига киритилди.

Эндиликда факультетга қарашли кафедралар сони 10 тадан ортиди. Уларда тиббиёт фанлари докторлари, доцентлар фаолият кўрсатиб, кенг қўламли илмий изланишларни олиб бормоқдалар. Шунингдек, ўқитиш касбий касбий кафедралар негизда олиб боришмоқда. Тошкент шаҳридаги энг намунали стоматологик поликлиникалар, шунингдек, стоматологик илмий амалиёт марказлари билан ҳамкорлик соҳани ривожлантиришда ҳам амалий, ҳам илмий аҳамият касб этмоқда. Кўпгина чет эл мамлакатларида, шу жумладан, Жанубий Корея, Америка, Россия Федерациясидаги стоматологик марказлар билан яқин алоқалар ўрнатилди. Айниқса, Жанубий Корея стоматологлар уюшмаси билан ҳамкорлик самарали бўлмоқда.

Факультетнинг энг яхши талабалари учун махсус стипендия таъсис этилди.

Бир неча аълочи талабалар эса «Проктер Энд Гембл» компанияси стипендиясига сазовор бўлдилар.

Ақбар АЛИЕВ

БОЖХОНА ХИЗМАТИ ВА КИНОЛОГИЯ

Президентимиз Ислон Каримов

раҳнамолигида истиқлол йилларида мамлакатимизда жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб берадиган миллий божхона хизмати шакллантирилди. Тизимнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, соҳа малакали кадрлар билан таъминланмоқда. Божхона хизмати мамлакатимиз иқтисодий барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшаётир.

Соҳадаги ишлар самарадорлиги ошишида, хусусан, контрабанда ва бошқа жиноятлар ҳамда божхона қондалари бузилишига қарши курашишда бой тажриба ҳамда замонавий методларга алоҳида эътибор берилаётгани муҳим аҳамият касб этаётди. Тизимда замон талабларига мос кинология хизмати йўлга қўйилгани шулардан биридир.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 24 октябрда қабул қилинган «Миллий кинология марказини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан пойтахтимизда божхона органлари фаолиятида кинология хизматининг тутган ўрнига бағишлаб ташкил этилган матбуот анжуманида шулар ҳақида гап борди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг ўринбосари Ф.Шукров, Миллий кинология маркази директори П.Холёров мамлакатимиз божхона хизмати тобора тақомиллашгаётгани юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлигига хизмат қилаётганини таъкидлади. Кинология хизматининг тобора ривожлантирилаётганини гиёҳванд моддалар, портловчи воситаларнинг чегараларимиз орқали кириб келишига жиддий тўсиқ қўйишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Миллий кинология маркази фаолияти Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон божхона ташкилоти каби бир қатор халқаро ташкилотлар томонидан юксак эътироф этилган. Жумладан, Миллий кинология маркази ходимларининг юксак профессионал фаолияти инобатга олиниб, марказга 2008 йилда Жаҳон божхона ташкилоти томонидан Минтақавий кинология маркази мақоми берилди.

Миллий кинология марказида кинолог курсантлар гиёҳванд моддалар, қурол-аслаҳа ва портловчи моддаларни қидириш, химоя-қорув хизмати, из-қидирув, қидирув-қутқарув хизмати ва антитеррор йўналишларида назарий ва амалий тайёргарликдан ўтади.

Марказда махсус курсларни ўташ учун барча шарт-шароитга эга бўлган компьютер синфлари, тегишли тартибда жиҳозланган ўқув хоналари, бошланғич амалий машғулот ўтказиш хоналари ва ўқув адабиётлар билан таъминланган бой илмий кутубхона мавжуд. Услубий йўналишда марказнинг малакали ходимлари томонидан ўқув дастурлар, услубий қўлланмалар, маърузалар тўпламлари ва интерфаол усулларда ўтказиладиган амалий машғулотлар асосида ўқув машғулотлари олиб борилади.

Кинологлар томонидан аниқланган 1,8 мингдан ортиқ қонунбузарлик ҳолатларида уч тоннага яқин гиёҳванд модданинг мамлакатимизга олиб кирилишининг олди олган. Шунингдек, 310 қонунбузарлик ҳолатларида ғаразли кимсалар ва жиноятчилар томонидан турли ўқотар қуроллар ва портловчи моддаларнинг мамлакатимиз ҳудудига олиб ўтилишига чек қўйилган.

Миллий кинология маркази томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гиёҳванд моддаларни назорат қилиш ва жиноятларнинг олдини олиш бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси билан ҳамкорликда амалга оширилаётган дастури доирасида дунёнинг турли давлатлари божхона хизматлари учун ҳам хизмат итлари тайёрлаш йўлга қўйилган. Жумладан, Марказ томонидан ўтган йиллар давомида Эрон, Қозғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон божхона хизматлари учун гиёҳванд, қурол-аслаҳа ва портловчи моддаларни қидириб топилганга иштирокчилар ҳамда антитеррор йўналиши бўйича хизмат итлари тайёрланди.

Тадбир давомида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан батафсил жавоб олдилар.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА муҳбири

ИШГА АМАРҲАМАТ!

Бандлик

ФАРОВОНЛИГИМИЗ ОМИЛИ

Давлатимиз томонидан аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бандликни таъминлаш орқали аҳоли даромади ва турмуш даражасини муттасил юксалтириб боришда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Меҳнат, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси тасарруфидаги туманлар, хусусан, Учтепа туман Бандликка кўмаклашиш марказининг ўз ўрни бор.

— Туманимиз ҳудудига 53 та маҳалла фуқаролар йиғини бўлиб, маҳаллаларда 264 минг 652 нафар фуқаро истиқомат қилади, — дейди туман Бандликка кўмаклашиш маркази раҳбар ўринбосари Нилуфар Ирискулова. — Доимий банд бўлмаган аҳолини рўйхатга олиш бўйича ўтказилган мониторингда 1867 нафар ишсизлар аниқланди, жумладан, улардан 1071 нафари аёллардир. Айниқса, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртлари битирувчилари билан алоҳида режа асосида иш олиб боришмоқда.

Марказга йил давомида банд бўлмаган 1698 киши муҳожаат қилган, 1311 нафар фуқаро ўз хоҳишига кўра мутахассислигига қараб ишга жойлаштирилди. Жумладан, фуқароларни қайта касбга ўқитиш режаси ҳам ошириб билин бажарилди. Шу ўринда айтиш жоизки, ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этишга ҳам фуқаролар жалб қилинди. Жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорига тенг рақобатлашишга қодир бўлмаган шахсларни ишга жойлаштириш учун туманда махсус иш жойлари, яъни энг ками етти фойз микдорда 49 та корхона ва ташкилотларда квоталар белгиланганлиги ҳам марказимизга мадад бўлди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сўнгги сессияларининг бирида жорий йил мобайнида аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш даражасини ошириш мақсадида бандлик дастури доирасида жами 81253 та янги иш ўринлари, жумладан, меҳнат шартномаси асосида 2881 та касаначилик иш жойларини ташкил этиш, «Намунавий маҳалла» лойиҳаси асосида Тошкент шаҳри маҳаллаларида олиб борилаётган ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари кўламини кенгайтириш ҳамда 2012 йил мамлакатимизда «Мустақкам оила йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан барча режалар ушбу йўналишда изчил ва мутаносиб тарзда олиб борилиши таъкидлаб ўтилган.

Туманда ҳам ўтган йили янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳоли даромади ва турмуш даражасини муттасил юксалтириб бориш юзасидан изчил чора-тадбирлар амалга оширилди.

Касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш ва 9-синф ўқувчиларига қосбга йўналтириш, «Аҳолини иш билан таъминлаш» тўғрисидаги қонуннинг бажарилиши йўлида Сергели туман ҳокимлиги, туман прокуратураси, Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида Амир Темур маҳалласидаги «Бахт Диёр» кафеси ҳудудида «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлари» меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

БИТИРУВЧИЛАР ИШГА ЖОЙЛАШДИ

Тадбирда «Иккиламчи рангли металл», 4, 12-автосарой, «Тошшаҳарнур» ДУК каби тумандаги 30 га яқин корхона, ташкилот ва муассаса ўзидagi бўш иш ўринлари билан қатнашди. Улар турли йўналишдаги иш ўринларини аҳоли ва 7 та касб-хунар коллежлари битирувчилари эътиборига ҳавола этилди.

Шу кун асосан битирувчилардан 816 нафари ўзлари хоҳлаган иш билан шуғулланиш учун кор-

хусусан, янги корхоналарни ишга тушириш, мавжудларини модернизация қилиш ва кенгайтириш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан режа бўйича юз фойз — 6960 та янги иш ўринлари яратилди. «UZREPORT» МЧЖ (4 та), ХК «XULKAR QURILISH SERVS» (16 та), «ZEBINISO-ONA» ХК (53 та), «DILSHOD SARMOYA» МЧЖ (4та), «JELDORKOLODKA» (26та) масъулияти чекланган жамияти бунга аққол мисол бўла олади.

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришга қаратилган эътибор иқтисодиётимизнинг юксалишига хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, иқтисодиётнинг айрим йўналишларида хизматлар соҳасини кенгайтириш ҳисобига аҳоли фаровонлиги таъминланмоқда. Давлатимиз томонидан касаначилик, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликка алоҳида эътибор берилаятгани ҳам нур устига аъло нур, албатта. Бойси, улар ишга лаъқали аҳолини иш билан таъминлашнинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

Корхона, ташкилот, муассасалар, фирма, хусусий тадбиркорлар билан тузилган шартномалар асосидаги ҳамкорлик ҳам ўзининг самарали натижасини бермоқда. Бунда маҳаллаларда, туманимиз миқёсида ўтказилган ва ижтимоий ҳамкорлик дастури доирасида ташкил этилган «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар» меҳнат ярмаркаларида яхши натижалар қайд этилгани билан эътиборлидир. Марказимиз томонидан аҳолига, айниқса ёшларга алоҳида эътибор қаратилган ҳолда 7 марта меҳнат ярмаркалари ўтказилди. Малакали мутахассислар ва марказимиз аъзоларидан керакли маслаҳатлар олганлар кўпчилигини ташкил этганлиги ҳам қувонарли.

Бир сўз билан айтганда, Учтепа туман Бандликка кўмаклашиш маркази аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш, янги иш ўринлари яратиш, ишсизларни қайта ўқитиш ва касбга тайёрлаш, меҳнат шартноларини янада яхшилаш, меҳнатни муҳофаза қилиш каби масалаларда яқин таянч бўлишни эзгу мақсад қилган ҳолда фаолият олиб бормоқда.

Фаррух БАХРОМОВ



Юртимиз истиқболини таъминлашда ҳар томонлама билимли, зукко, жисмонан бақувват, маънан етук авлодни вояга етказиш учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Айниқса, уларнинг таълим олишлари, келажакда малакали мутахассислар бўлиб етиштирилишида жаҳон андозалари даражасида жиҳозланган касб-хунар коллежларининг ўрни салмоқли.

Ёшлар — келажакимиз

МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Миробод туманидаги Тошкент темир йўл муҳандислари институти мисолида ҳам бунга яна бир бор амин бўлдик. Ўтган йили қайта таъмирланиб, янгича қиёфа касб этган ушбу таълим даргоҳи мамлакатимизнинг темир йўл соҳаси учун малакали мутахассислар тайёрлашда етакчи ҳисобланади.

Ҳозирда мазкур таълим даргоҳида қурилиш, электромеханика, ташишни бошқариш ва иқтисодиёт каби тўрт йўналишда мутахассислар тайёрланмоқда.

Бугунги кунда институт ўзининг йирик замонавий ўқув ва моддий-техник базасига эгаллиги билан алоҳида ажралиб туради.

2010 йилда қайта таъмирланган, бу ерда таълим олувчилар учун барча шартнолар ҳавас қилса арзигулик даражага келди. Ҳозирги кунда институтда таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Замонавий қиёфага эга бўлган ўқув биносида кенг ва ёруғ ўқув хоналари, техник воситалар, ҳаракатланувчи моделлар билан махсус жиҳозланган лаборатория хоналари, компьютер хоналари, спорт иншооти ва майдончалари, ахборот-ресурс маркази талабаларнинг чуқур билим олишларида хизмат қилмоқда. Вилоятлар-

дан келган талабаларга мўлжалланган талабалар турар жойи ҳам замонавий таъмирланиб, жиҳозланган. Бу ерда талабаларга жуда қулай шартнолар яратилган бўлиб, дарс тайёрлаш учун алоҳида хоналар, маънавият ва маърифат хонаси, дам олиш хоналари бунга мисол бўла олади.

Институтда таълим бериш давомида битирувчиларнинг меҳнат бозорига эркин рақобатга киришишлари учун ҳам катта имкониятлар яратилмоқда. Яъни талабалар амалиёт ўтайдиган корхона, ташкилот, банклар, муассасалар билан яқин алоқалар ўрнатилган.

Ушбу таълим даргоҳини тугатган битирувчилар иш жойлари билан таъминланади, яъни темир йўл корхоналарида ўз иш ўринларига эга бўладилар. Ўтган йили тўртта йўналиш бўйича битирувчиларнинг 95 фойзи ўз мутахассислиги бўйича иш билан таъминланди. Бу йил ҳам битирувчи талабаларнинг барчасини иш жойлари билан таъминлаш кўзда тутилган.

Нилуфар БАБАХАНОВА,
Тошкент темир йўл муҳандислари институти
«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит»
кафедраси ассистенти



Қонун доирасида таътил муддатининг маълум сабабларга кўра узайтирилиши ёки унинг бошқа вақтга кўчирилиши мумкинми, шу ҳақда билмоқчи эдим.

Забаржат Мирзаева,
Юнусобод тумани
Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 145-моддасига асосан ходимлар меҳнатга қобилиятсизлиги даврида — ҳомиладорлик ва туғиш таътили бошланганда, йиллик таътил ўқув таътилига тўғри келиб қолганда, шу-

моат вазифаларини бажараётганда, башарти қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларда бундай вазифаларни бажариш учун ходимни ишдан озод этиш назарда тутилган бўлса, таътилни узайтириш ёки уни бошқа муддатга кўчириш ҳуқуқига эга.

Агар таътилдан фойдаланишга тўсқинлик қилувчи сабаблар таътил бошлангунга қадар келиб чиққан бўлса, ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан, таътилдан фойдаланишнинг янги муддати белгиланади.

МЕҲНАТ ТАЪТИЛИДАН ФОЙДАЛАНГАНДА...

Бундай сабаблар таътил даврида келиб чиққан ҳолларда таътил тегишли кунлар сонига узайтирилади. Ёки ходим билан иш берувчининг келишувига биноан, таътилни фойдаланилма й қолган қисми бошқа муддатга кўчирилади.

Ходим таътилдан фойдаланишга тўсқинлик қилувчи сабаблар тўғрисида иш берувчини хабардор қилиши шарт эканлиги белгиланган.

Мавлуда НОСИРОВА,
Юнусобод тумани 1-сонли давлат нотариал идораси катта нотариуси

Қарор ва ижро

ЁШ ИҚТИСОДЧИЛАР ФОРУМИ

Тошкентда ёш иқтисодчи олимларнинг форуми бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, мамлакатимиздаги илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари, шунингдек, Россия, Украина ҳамда Беларусдан ёш олим ва мутахассислар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти томонидан БМТ Тараққиёт дастури ҳамда Халқаро ҳамкорлик бўйича Германия жамияти билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилиш ва либераллаштириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар юксак самаралар бераётгани алоҳида таъкидланди. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг изчил амалга оширилиши натижасида Ўзбекистон жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам барқарор ўсиш суръатларига эришиб келмоқда.

Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги «2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарилган йил бўлади» маърузасида жаҳон иқтисодиётида содир бўлаётган жараёнларни инобатга олган ҳолда, мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш устувор вазифа сифатида белгилаб берилган. Ушбу вазифани амалга ошириш, авваламбор иқтисодиётни таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилиш, юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқариш тармоқларини жадал ривожлантиришни тақозо этади. Бу олимларимиз, илм соҳаси вакиллари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Ҳозир бир қатор ёш иқтисодчилар бу борада илмий изланишлар олиб бормоқда. Тадқиқотлар, асосан, макроиқтисодий кўрсаткичларни прогноз қилиш усуллари ҳамда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясини илмий асослаш, реал иқтисодиёт соҳасини инновацион ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини аниқлаш, инсон салоҳиятини юксалтириш, аҳолининг турмуш даражасини ва фаровонлигини ошириш, ҳудудларни мувозанатли ва барқарор ривожлантиришга доир масалаларга қаратилган.

Иқтидорли ёшлар илмий фаолиятга кенг жалб этилаётгани барча соҳалар сингари иқтисодиёт ривожига ҳам хизмат қилмоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 2 ноябрда қабул қилинган «Юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бу борадаги ишларда муҳим дастурамалам бўлмоқда.

— Жаҳон молиявий инқирози ва ундан кейинги даврда банк фаолиятини тартибга солиш тизимини ислох қилиш бўйича изланишлар олиб боришда, — дейди Тошкент давлат иқтисодиёт университети катта илмий ходими Элмурод Хошимов. — Бундай шароитда етакчи молиявий воситани тижорат банклари ҳисобланади. Уларнинг барқарорлигини ошириш, фаолияти билан боғлиқ риск даражасини тартибга солиш, банк капитали ва ликвидилигига нисбатан талабни янада қулайитириш изланишларимизнинг туб моҳиятини ташкил этади.

Форум доирасида ёш олимларнинг илмий ишлари тақдимотлари ўтказилди. Илмий иқтисодиётни прогноزلантириш ва ривожлантиришнинг макроиқтисодий моделлари, инновацион иқтисодиёт рақобатбардошлиги, ижтимоий соҳани ривожлантириш истиқболлари ва тенденциялари, ҳудудларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид мавзуларда маърузалар тингланди.

(ЎЗА)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРПОРАЦИЯ бошланғич баҳоси босқичида-босқич охири бориш тартибидида ўтказилаётган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Савдога қўйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда: Бекобод шаҳар СИБ томонидан 07.06.2012 й. № 7109-сонли ижро ҳужжатига асосан 2003 й. и/ч «Дамас», д/р. 10 G 388 BA. Бошланғич баҳоси — 12 120 000 сўм. Зангиота туман «Бекободсавдо» МЧЖ омборида савдоланимоқда. Аукцион савдоси 2012 йил 20 июль кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситаси 2012 йил 20 июль кунини савдода сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситасининг сотиш юзасидан тақдорий савдо 2012 йил 6 август кунини бўлиб ўтишини олдиндан маълум қилансиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситаси билан суд департаменти вакили иштирокида бевоқифа жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунини бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закатат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фойзидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини «SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРПОРАЦИЯ АТИБ «Ипотечка банк» Шайхонтохур филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 2020 8000 1048 8730 5002, МФО: 00425, ИИН: 301829604. Аукцион савдоси ўтказилаётган манзил: Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Тел.: 266-80-76.

«Respublika mulk markazi» ЕАЖ қўйидагини маълум қилади! «Тошкент оқшом» газетасининг 08.06.2012 йилдаги 113-сонда чоп этилган хабарномадаги «Нексия» русумли давлат рақами 01Н 001153 бўлган автотранспорт воситаси, Бектемир тумани суд ижро-чилари бўлимининг 2012 йил 3 майдаги 2631/7-сонли хатига асосан аукцион савдосидан олинган. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52.

Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Сарой кўчаси, 22-уйда яшовчи Абдурахмонова Инобатхон Абдурашидовна номда бўлган уй режаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Дилмурод ИСМОИЛОВ
СУРАТДА: меҳнат ярмаркасида лавҳа
Козим Ўлмасов
олган сурат

Тошкент шаҳар касаба уюмлари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши тасарруфидagi «Гулбахор» болалар соғломлаштириш оромгоҳи Учтепа тумани ҳудудидаги Уриқзор мавзесида жойлашган бўлиб, ёзги соғломлаштириш мавсумининг биринчи навбатида қорақалпоғистонлик 200 нафар болалар бу ерда мазмунли дам олиб, соғлиқларини мустаҳкамладилар.

Оромгоҳда «Маънавият ва маърифат» хонаси ташкил этилган бўлиб, бой маданий тарихий меросимизни ўрганишга, уни тарғиб этишга хизмат қилади. Оромгоҳда болалар учун турли маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари ташкил этилди. Жумладан, болаларнинг фаол иштирокида спартакиада мусобақалари ўтказилиб, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Учтепа тумани бўлими ходимлари тадбирда қатнашиб, ғолибларга совғалар тақдим этдилар. Оромгоҳ кутубхонасида «Мустаҳкам оила йили»га бағишланган маърифий тадбир ўтказилди. Болалар иштирокида футбол, шахмат-шашка бўйича мусобақалар ўтказилиб, ғолиблар муносиб тақдирланди. Оромгоҳдаги расм чизиш, мусика, спорт тўрақларида болалар фаол қатнашдилар. Кутубхонада билимдонлар, китобсеварлар, қўноқлар ва зукколар тадбири ўтказилди. Қорақалпоғистонлик болаларнинг пойтахтимиздаги Мустақиллик майдони, Ўзбекистон Миллий боғи каби диққатга сазовор жойларга ҳамда ҳайвонот боғига ташкилий равишдаги ташрифи уюштирилди.

«Мустаҳкам оила йили»га бағишлаб, «Ранглар жилоси» кўрик-танлови ўтказилиб, болалар ўзларининг ота-оналари, оилавий ҳаёт ҳақидаги ижод намуналарини асосидagi асарларини намойиш этдилар ва ғолибларга совғалар тақдим этилиб, тақдирланди.



Ўз — 2012

МАРОҚЛИ ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШДИ

2012 йил ёз мавсумида жами 55 та болалар соғломлаштириш оромгоҳлари фаолият кўрсатиб, уларда 43 мингга яқин болаларни, шунингдек, мактаблар қошидаги оромгоҳларда 165000 нафар ҳамда стационар турдаги оромгоҳларда 23500 нафар болани, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикасидан 1870 нафар ўғил-қизини сўлим оромгоҳларда дам олдириш ва соғломлаштириш режалаштирилган.

«Гулбахор» оромгоҳида ёзги соғломлаштириш мавсумининг кейинги навбатларида шoirлар, санъаткорлар, адиблар билан учрашувларни ташкил этиш кўзда тутилган.

Куни кеча Шимолий вокзалда қорақалпоғистонлик болаларни кузатиш

маросими бўлиб ўтди.

— Оромгоҳда жуда яхши ҳордиқ чиқардим, — дейди Амударё туманидаги 33-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Маърифат Сафарбоева. — Қизиқarli бадиий китоблар ўқидим, расм чизиш тўрақига қатнашдим. Ўзбекча рақсларни

ўргандим. Насиб этса ушбу оромгоҳга яна келиб ҳордиқ чиқармоқчиман.

Даврон НУРМАТОВ
СУРАТЛАРДА: қорақалпоғистонлик болаларни кузатиш маросимидан лавҳалар

Козим Ўлмасов олган суратлар

Кўргазмалар

МУСАВВИРНИНГ ИЖОБИЙ ЧИЗГИЛАРИ

Ёшлар ижод саройида ёш ижодкор Умидахон Азимжонованин «ОДАМЛАР ва ...» номли шахсий кўргазмасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Ушбу кўргазма «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва Ёшлар ижод саройи билан ҳамкорликда ташкиллаштирилди.

У.Азимжоновна Республика рассомлик коллежиди таҳсил олиб, сўнг ўқишни Н.Косигин номидаги Москва Давлат тўқимачилик университетининг «Заргарлик буюмларини бадиий лойиҳалаштириш» бўлимида давом эттирган.

Мусаввининг рангтасвир, графика, заргарлик буюмларини лойиҳалаштириш, бадиий шиша соҳасида ишлари, бош кийимларни тайёрлаш, фото-арт ва кўплаб бошқа асарла-

рини кўриб, ундаги ҳали охиригача намоён бўлмаган ижодий салоҳиятни ва қизиқишларининг нақадар кенглигини кўриш мумкин. Умидахон санъатнинг барча турларида ишлаб, бу унинг ижодий ўзлигини ёрқинроқ намойиш этишида ифодасини топган.

Заргарлик буюмлари эскизлари ва уларни яратиш рассом ижодининг алоҳида хусусиятларидан биридир. Заргарлик буюмларини ижодкор учун рангтасвир ва графикада олиб бораётган ижодий ишларининг давоми десак хато бўлмайди. Ёш рассом шакл, ранг ва ритм билан тажриба олиб бормоқда.

Умидахон Азимжоновна — Ўзбекистоннинг ёш ижодкорларидан биридир. У санъат оламини ўзига ва ўзгаларга намоён этмоқда. Муаллиф ижод этиш, олдинга қараб юриш, яратилган маъқул кўради. Бу жараёнда санъатнинг бошқа турлари ва жанрлари билан чекланмайди. Буларнинг ҳаммаси ўзликни ифода этиш воситаларидир.

Ёш ва изланувчан ижодкор 2011 йилдан Россия Профессинал рассомлари уюмчаси аъзосига айланган. 2012 йилдан эса Россия рассомлари ижодий уюмчаси ва Ўзбекистон Бадиий академияси Рассомлар ижодий уюмчасининг ёш рассомлар шўъбаси аъзоси сифатида ижод қилмоқда.

Кўргазма экспозициясидан 100 дан ортиқ асарлар ўрин олган. Ушбу кўргазма 20 июнга қадар давом этади.

Шоҳсанам БЕРДИБЕКОВА



Бугунги кунда мамлакатимиз ёшларини жисмонан соғлом, маънан баркамол этиб тарбиялаш масаласи энг устувор вазифалардан саналади. Шу мақсадда жойларда қурилаётган замон талабларига жавоб берувчи спорт комплекслари, сунъий чим қопланган стадионлар ҳамда ёшлар ўртасида ўтказиладиган турли мусобақаларни кузатар экансиз, юртимизда спортнинг ҳар бир турини ривожлантиришга бўлган эътибор анча юқори эканлигига амин бўласиз.

Футболимиз келажаги

«ХОНОБОД» ЖАМОАСИ — РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИДА

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими, Тошкент шаҳар футбол федерацияси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари, Соғлиқни сақлаш ва Ички ишлар бош бошқармалари ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган аънавий «Футболимиз келажаги» республика кубогининг маҳаллалараро ва туман босқичи ҳамана шу мақсадларга қаратилди. Айтиш жоизки, «Футболимиз келажаги» республика кубоги мусобақаларида қатнашиб истагини билдирган ёшлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бунинг мусобақанинг Тошкент шаҳридаги маҳаллалараро босқичларида 11 — 12 ёшли маҳалла ўсмирларидан таркиб топан 390 дан ортиқ маҳалла жамоалари иштирок этгани билан ҳам изоҳлаш мумкин. Бу мусобақаларда 2 минг нафар кам таъминланган оила фарзандлари ҳамда 110 дан зиёд тарбияси оғир бўлиб вояга етишишни, балки уларнинг бўш вақтларининг мазмунли ўтишини, шу йўл билан вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишни таъминлаш мумкин, қолаверса, бунда ёшлар орасидан иқтидорлилари

аниқлаш имконияти туғилади, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бошқаруви Ёшлар, спорт ва кўрик-танловларни ўтказиш бўйича бош мутахассис Жаҳонгир Ризоқулов.

11 та маҳалла жамоалари иштирок этган мусобақанинг Тошкент шаҳар босқичида томошабинлар қизиқarli ва мurosасиз баҳсларга гувоҳ бўлишди. Унда Сергели туманидаги «Хонобод» маҳалла фуқаролар йиғини футбол жамоаси ҳамда учинчи ўринни эгаллаган Чилонзор тумани «Кичик Хирмонтепа» маҳалла фуқаролар йиғини командаси «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлим бошқаруви тамонидан диплом ва эсдалик совғалари билан мукофотландилар.

Эндиликда 18 — 20 июнь кунлари Республика кубогининг Тошкент шаҳар босқичида 11 та тумандан 13 — 14, 15 — 16 ёш тоифаларидаги футбол жамоалари ўзаро куч синашишади.

Отабек ОТАЁРОВ

Табиат неъматлари

ОЛМА

Олма қарийб барча фаслларда дастурхонни безаб турадиган табиат неъматларидан бири ҳисобланади.

Олма меваси таркибида 15 фоизгача қанд моддаси (глюкоза, фруктоза, сахароза), органик кислоталар (олма, лимон кислотаси), пектин, клетчатка, микроэлементлардан темир, калий, марганец, мис, кобальт, дармондорилардан С, В1, В2, РР, провитамин А каби дармондорилар мавжуд. Унда фолат кислотаси борлиги аниқланган.

«Махзан-ул-адвия» асарида қайд этиб ўтилишича, олма юракни мустаҳкамлайди, жигар ва ичакка ижобий таъсир қўрсатади, иштаҳани очади. Айниқса нафас олиш қийинлашганида ҳамда юрак ҳаприққанида фойдали ҳисобланади. Олмани истеъмол қилиш ҳамда уни ҳидлаш асабият бузилганида нафлидир. Олма мияга фойда бериб, уни пешландири, ишлаш қобилиятини оширади. Пиширилган олма куруқ йўталга жуда фойдалидир.

Ичбурғ (дизентерия) ва бошқа ичак шиллиқ пардасининг яллиғланиши билан боғлиқ бўлган касалликларда олмали парҳез фойда беради. Олмани ҳуш кўрадиган кишилар никриз (подагра) касаллиги билан кам оғрийдилар. Олма меваси таркибида мавжуд бўладиган темир моддаси одам танасида қон ҳосил қилувчи омиллардан бири ҳисобланганлиги тўғрисида, уни камқонлик (анемия) ҳасталигида истеъмол қилишни тавсия этадилар.

Олхўри нисбатан кўп тарқалган ўсимликлардан бири. Республикаимизда унинг 200 дан ортиқ нави ўсади. Олхўри мевалари таркибиди 7-15 фоизгача қанд моддаси, оқсил, органик кислоталар, темир, мис, калий, марганец, С ва В дармондорилари бор. Жумладан, олхўри аъзоларни юмшатади, у сирганиш хусусиятига эга бўлганлиги тўғрисида овқат моддаларининг меъда ҳамда ичакдан ўтишини енгиллаштиради.

ОЛХЎРИ

Сафродан келиб чиқадиган бошининг қизиб оғриши ҳамда ҳароратли безгак ҳуружиди олхўри овқатланишдан олдин истеъмол қилинса, яхши ёрдам беради. Олхўри, айниқса, унинг нордон ҳамда нордон-чучук хиллари кўнгил озишини қолдиради, қайт қилишни тўтатади. Олхўри чанқоқни босади, юракни ҳаприққанидан холи қилади, тананда кичкина турса тўхтатади, суяк сафрони ҳайдайди. Ширинлиги кучли бўлган олхўри меъда ҳамда ичакни юмшатади, латифли сурги вазифасини ўтайди. Нордон олхўри ични қотириш хусусиятига эга.

Халқ табobati амалиётида олхўри иштаҳа очувчи, ичак ҳаракатини оширувчи, овқатни ҳазм қилдирувчи, унинг қайнатмаси беозор сурги ҳамда сийдик ҳайдовчи омил сифатида ишлатилади. Олхўри баргининг майдалангани ёки куруқ барглр буғлатилган ҳолда йирингли яра ва жароҳатларга қўйилса, уларнинг тузаллишини тезлаштиради. Жумладан, олхўри қони қамайиб кетган беморларнинг қонидида гемоглобинини оширади. Қора олу номи билан юритиладиган олхўри нави қон босимини тушириш, унинг мевалари таркибидидаги калий тузлари тананда мавжуд бўлган ортиқча сув ва тузни чиқариб ташлаш хусусиятига эга. Шу тўғрисида уни буйрак касалликларида ҳам тавсия этишади.

Маннон НАБИЕВ тайёрлади

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65, факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан руйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz
Буюртма Г- 641

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
9477 нусхада босилди.
Қозғ бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.40

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ



МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

Ёқтирмаган кишининг меҳрибончилиги ҳам жоннинг азоби.

Душманнинг меҳридан дўстнинг қаҳри афзал.

Яхшиликка арзимаган меҳру муҳаббатга ҳам арзймайди.

Рашку шубҳа киши ҳаётини заҳарлайди.

Ким ўлимдан кўрқади, ким ҳаётдан.

Ёшлиқнинг касрига кексалик қолади.

Ўзига ишонмаган кўнгил шубҳага осонгина таслим бўлади.

Бир муаммо иккинчисини келтириб чиқаради.

Ўзига нима тааллуқли нима тааллуқли эмаслигини билмаган охири панд ейди.

Ҳеч ким ўзини бировдан кам деб билмайди.

Миннатли ош — ботар мисли тош.

Меҳру муҳаббатга тама билан эришиб бўлмайди.

Ваҳима ўзи кўрқадиган тимсолни ўзи яратади.

Яхшилик билан битадиган ишга ёмонликни аралаштирма.

Меҳру муҳаббат қозонилади, тиланиб олинмайди.

Бир жанжал минг муҳаббатни йўққа чиқаради.

Қайсарлик нодонлик ва худбинликдан.

Ваҳиманинг кўзи ўзидан катта.

Ўзингни оқлаш учун ҳамиша баҳона топилади.

Ўзига олманганга гап таъсир қилмайди.

Инсон табиатининг юксалган лаҳзалари ҳам, паст кетган дамлари ҳам бўлади.

Майда нарсалар катта мақсаддан чалғитади.

Катта мақсад йўлида майда нарсалардан воз кечиш керак.

Доно ҳамиша бир гапдан қолади, нодон ҳеч қачон.

Майда одамнинг ғаму ташвиши ҳам майда бўлади.

Одамлар бировга кўрсатиб яхшилик қилишни ҳуш кўришади.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 20 июнда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида за-20 июнь кунини ҳаво бир оз ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секунди-га 3-8 метр тезликда шомол эсади. Ҳарорат кечаси — 20-22, кундузи — 37-39 даража